

ОМАРОВ Нурсент Абдумталиевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти
E-mail: nurseitomarov@mail.ru

ХУСОМИДДИН СИҒНОҚИЙ “АТ-ТАСДИД” АСАРИДА ИМОН ҲАҚИДА

ОБ ВЕРЕ В КНИГЕ ХУСАМУДДИНА СИГНАКИ «АТ- ТАСДИД»

ABOUT OF FAITH IN THE KHUSAMUDDIN SIGNAKI'S BOOK “AT-TASDID”

Аннотация. Хусомиддин Сигноқий (ваф. 714/1314) ўрта асрларда Мовароуннаҳр минтақасида ислом цивилизацияси ва мусулмон тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ҳанафий-мотуридий олимларидан бири.

Унинг “ат-Тасдид фи шарҳ ат-тамҳид” асари Абул Муин Насафийнинг “ат-Тамҳид ли-қавоидит-тавҳид” асарида ёзилган шарҳ бўлиб, аҳли сунна вал жамоа эътиқодий қарашларини мустаҳкамлаш ҳамда диний оқимларнинг мафкуравий ҳужумларига қарши курашда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу мақолада имоннинг зиёда ёки ноқис бўлиши, қабр азоби каби масалалар мотивида таълимоти асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мотивида, ашъария, имон, тасдиқ, иқрор, зиёда, нуқсон, нур.

Аннотация. Хусамуддин Сигнаки (ум. в 714/1314 г.) один из великих ханафитско-матуридитских ученых, внесший большой вклад в развитие исламской цивилизации и мусульманской мысли в регионе Мавараннахр в средние века.

Его труд «ат-Тасдид фи шарҳ ат-тамҳид» представляет собой комментарий к книге «ат-Тамҳид ли-каваид ат-таухид» Абул Муина Насафи, который является важным источником для укрепления религиозных взглядов суннитского направления и борьбы с идеологическими нападениями религиозных течений. В этой статье на основе учения Матуриди разъясняются такие вопросы, как увеличение или уменьшение веры, муки могилы.

Ключевые слова: мотивида, ашария, вера, подтверждение, признание, увеличение, уменьшение, свет.

Annotation. Husamuddin as-Syghnaqi (d. 714/1314) is one of the great hanafi-maturidi scholars who made a great contribution to the development of Islamic civilization and muslim thought in the Mawarannahr region in the Middle Ages.

His work “al-Tasdid fi sharh al-tamhid” is a commentary on “at-Tamheed li-qawaid at-tawheed” of Abul Muin Nasafi, which is an important source for strengthening the religious views of the Sunni schools and fighting against the ideological attacks of religious sects. In this article, issues such as the increase or decrease of faith and the torment of the grave are explained based on the Maturidi teaching.

Keywords: maturidiya, ash'ariya, faith, confirmation, proclamation, increase, decrease, light.

КИРИШ

Имон ўзгармас яхлит бир нарсами ёки кўпайиб ё камайиб турадиган нарсами, деган савол мотивида ашъарийлар ўртасидаги ихтилофли, яъни фарқли масалалардан бири ҳисобланади. Биринчи томон имон зиёда ва ноқис бўлмайди деса, иккинчи томон бунинг аксини даъво қилади. Бироқ, аҳли сунна ва жамоа уламоларининг тортишувлари моҳиятда эмас, балки суратда деб ҳисобланади. Баъзилари тўғридан-тўғри: “Имон зиёда ва кам бўлади”, десалар, бошқалари: “Имоннинг асли бир, аммо унга тааллуқли ишлар, амаллар зиёда ёки кам бўлади”, дейдилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу баҳсларга сабаб уларнинг имонни турлича таъриф қилганларида бўлган. “Имон тасдиқ, иқрор ва амалдан иборат”, деган таълимотни илгари сурувчилар “Имон зиёда ва ноқис бўлади”, деганлар. “Имон тасдиқ ва иқрордир” деганлар эса, “имон зиёда ёки ноқис бўлмайди, лекин амал зиёда ва ноқис бўлади”, деганлар. Умар Насафий (ваф. 537/1142) бу маънони куйидагича ифодалаган: “Имон Аллоҳ таолодан келган нарсани тасдиқлаб, унга иқрор бўлишдир. Аммо амаллар ўзлари зиёда бўлади. Имон зиёда ҳам, ноқис ҳам бўлмайди”.

Икки тараф куйидаги оятларни ўз таърифларига биноан тафсир қилиб, бирлари зоҳирий маънони олса, иккинчилари амалга таъвил қилади.

وَ إِذَا تَلَّيْتُمْ عَلَيْهِمْ آيَاتَهُ زَانْتَهُمْ إِيمَانًا

1. “Уларга оятлари тиловат этилса, имонларини зиёда қиладиган...” (Анфол сураси, 2-оят).

وَيَزِيدُ اللَّهُ الَّذِينَ اهْتَدَوْا هُدًى

2. **“Ва Аллоҳ ҳидоятга юрганларнинг ҳидоятини зиёда қилади”** (Марям сураси, 76-оят).

فَرَادَهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ

3. **“Уларнинг имонларини зиёда қилди ва “Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай яхши вакил!” дедилар”** (Оли Имрон сураси, 173-оят).

Ҳанафийлик-мотуридийлик таълимотига кўра имон зиёда ва ноқис бўлмайди, балки ҳар бир кишининг имони комил имон саналиши, тоат ва ибодат ёки гуноҳ маъсият билан имоннинг айнан ўзи кўпаймаслиги ва камаймаслиги далиллар билан исботланган.

Жумладан, имом Мотуридий (ваф. 333/944) бу ҳақда шундай дейди:

“Қуръони карим оятидаги “Имонлари зиёда бўлди...” жумласи адад ёки айнан имоннинг ўзида зиёдалиқни билдирмайди, балки унинг шарафи, фазилати ошгани, зиёда бўлганини билдиради. Масалан, “Жамоат билан ўқилган намознинг даражаси ёлғиз ўқилган намоздан йигирма беш баробар афзалдур” ҳадисида ҳам айнан намознинг адади зиёда бўлиши назарда тутилмаган, балки шарафи ва фазилати зиёдалиғи назарда тутилгандир. Худди шу каби имоннинг амаллар жиҳатидан зиёда бўлиши ҳам унинг шарафи, фазилати, камоли зиёдалашишига далолат қилади. Амаллар имон жинсидан эмасдир, у тасдиқлашдан иборатдир”.

Шу тарзда Қуръонда зикр этилган “имонлари зиёда бўлди” ояти шарҳини имом Мотуридий ва унинг издошлари ва барча ҳанафийлик олимлари тўғри англаш лозимлигини таъкидлашган. Маълумки, бошқа оқим ва тоифалар имон зиёда бўлиши мумкинлиги ҳамда унинг ноқис бўлиши мумкинлигини таъкидлашган. Ҳамда имоннинг зиёда бўлиши Қуръонда зикр этилган экан, демак у ноқис бўлиши мумкин, деган қонидани ишлаб чиқишган. Аслида бу оят имоннинг ўзи айнан зиёда ва ноқис бўлишига далолат қилмаслиги, зиёдалиқ, яъни олдинги ҳолатдан кейинги ҳолатга ўтишни табиатдаги ўсиш жараёнидаги каби бўлиши мумкинлиги олим томонидан зикр этилган.

Ҳамда Абул-Муъин Насафий (ваф. 508/115) ўзининг “Табсират ал-адилла” асарида “Аслида имон шартларига амални киритганлар унинг зиёда бўлиши ҳақидаги сўзни ҳам

айтмасликлари лозим бўлади. Чунки, улар амалларни ҳам имон деб санаганларидан сўнг, унда ҳеч кимнинг имони мукаммал, тўлиқ бўла олмайди. Ҳамда зиёда бўлиб бориши ҳам бу ҳали мукаммал, комил бўлмаганлигини англатади ва у нуқсон чегарасида бўлиб қолаверади”. Яъни олим имон соҳиби учун агар унинг имонига амал шарт қилинса, унда меъёрини белгилашнинг имкони йўқлигини айтмоқда. Шу тарзда Қуръон ва суннатга кўра имон шартига амалнинг киритилиши имкони йўқдир.

Мотуридия таълимотининг етук намояндаси сифатида Сиғноқий ҳам бу масалада “ат-Тасдид” асарида ўз қарашларини баён қилган. Унинг фикрича, имон қалб билан тасдиқлаш экан, у ўз-ўзича зиёда ва ноқис бўлиши мумкин эмас. Чунки тоатлар ва маъсиятлар кўп ва кам бўлгани билан имон ҳар иккала ҳолатда ҳам бирдек туради. Амаллар имондан ҳисобланмас экан, имоннинг зиёда ва ноқис бўлиши тасаввурга сиғмайди.

Имоннинг зиёда бўлиши ҳақида келган **“Уларга оятлари тиловат этилса, имонларини зиёда қиладиган...”** ояти Сиғноқийнинг фикрича, баъзи талқинни қабул қилади:

Биринчиси: имом Абу Ҳанифадан ривоят қилинганки, саҳобалар фарзларга омматан имон келтирганлар. Сўнг фарз ортидан фарз қўшилаверган ва ҳар бир фарзга имон келтирилган. Гарчи умумий қилиб келтирилган имон аниқ унга имон келтириш бўлса-да, у батафсиллик юзасидан зиёда бўлиб бораверган. Имон умумийлик жиҳатидан эмас, балки мукаммал бўлиш жиҳатидан зиёда бўлган. Бу Пайғамбар (с.а.в.) даврларида бўлиб, кейинга даврга хос эмас.

Иккинчиси: (оят ва ҳадислардаги) зиёдалиқ доимийлик, барқарорлик ва узлуксизлик деб тушунилади. Мана шуни зиёдалиқ деб айтилади. Зиёдалиқдан мурод имоннинг натижаси ўларок солиҳ амаллар орқали мўминнинг қалбида нур ва зиёнинг кўпайишидир. Чунки имон нур ва зиё бўлиб, Аллоҳ таоло бу борада: **“Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирмокчи бўлурлар”** (Соф сураси, 8-оят) ва **“Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб қўйган шахс ўз Роббидан бўлган нурда эмасми?!”** (Зумар сураси, 22-оят), деган. Демак, Сиғноқийнинг фикрига кўра, имоннинг ўзи

зиёда ва ноқис бўлмайди, балки унинг нури зиёда бўлади.

Юқоридаги ақидавий қараш, яъни имоннинг шарти сифатида қалб билан тасдиқлаш, тил билан айтиш ҳамда имоннинг зиёда ва ноқис бўлмаслиги Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Ҳаким Самарқандий, Абу Жаъфар Таҳовий, Абул Муъин Насафий, Абу Ҳафс Насафий, Абул Баракот Насафий, Алоуддин Самарқандий, Абул Юср Паздавий, Сигнокий каби кўплаб машҳур олимлар томонидан далиллар билан исботланган.

Имонда истисно қилиш жоиз ёки жоиз эмаслиги мавзуси ҳам мотуридийлар ва ашъарийлар ўртасидаги баҳсли масалалардан бирidir. Бинобарин, мотуридийлар имон бу аниқ ишончдир, шунинг учун унда истисно ишлатилиши жоиз эмас, дейдилар. Хаворижлар, ашъарийларнинг баъзилари ва асҳобул-ҳадислар: “Киши чинакам мўмин бўлиши учун имон билан вафот этиши шарт”, дейдилар. Уларнинг айтишларича, “Умрининг сўнгида имон келтирган киши ўтмишда кофир бўлган ҳисобланмайди ва – Аллоҳ сақласин, – умрининг сўнгида кофир бўлган киши ундан аввал мўмин бўлган деб ҳисобланмайди”. Шунинг учун улар: “Инша Аллоҳ, мен мўминман”, деб имонда истисно¹ қилишни жоиз санайдилар ва “Мен мўминман”, деб қатъият билан айтмайдилар.

Сигнокийнинг фикрича, имон бу қатъий тасдиқ ва эътиқоддир, шунинг учун ҳам қачон шу иккиси топилса, киши у билан сифатланади ва узил-кесил мўмин деб аталади. Бир киши қалбида ҳақиқий тасдиқ бўла туриб, “Инша Аллоҳ, мен мўминман”, деб айтиши, худди ўсмирлик ёшидаги бир инсон “Инша Аллоҳ, мен ўсмирман”, дегани кабидир. Бу эса тўғри эмас. Аллоҳ таоло: **“Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсанга имон келтирди ва мўминлар (ҳам имон келтирдилар)”**, дея имон келтирганларнинг имонига гувоҳлик беради. Бошқа бир оятда эса **“Роббимиз биз нидо қилувчининг, Роббингизга имон келтиринг, деб нидо қилаётганини эшитдик ва имон келтирдик”**, деган сўзларини мактаб келтиради. Ушбу оятларда Аллоҳ таоло мўминлар умрларининг

охири қандай тугашини билмаганлари ҳолда уларни истиснога буюрмади.

Шунингдек, олимнинг фикрига кўра, имонда истисно қиладиганлар “Мен мўминман” деган сўзни “Мен обидман, мен зоҳидман” сўзлари каби мактаниш, ўзидан ажабланиш деб ҳисоблайдилар. Истиснони жоиз эмас дейдиганлар эса талоқ, қул озод қилиш ва қасам ичишга истисно лафзи кириши билан уларни ботил қилганидек, имонда ҳам жоиз эмаслигига далил келтиришади. Ва бундан хушёр бўлишга чакиради. Чунки мактанишга олиб борадиган сўз, қуфрга олиб борадиган сўздан кўра яхшироқдир.

Имонда истисно қилиш масаласида бу иш жоиз эмас деган хулоса берган Сигнокий ўзининг бу қарашини Абул Лайс Самарқандийнинг ушбу сўзи билан қувватлаган: “Инша Аллоҳ, мўмин ҳолда ўламан!”, дейиш жоиз бироқ, “Инша Аллоҳ, мўминман”, дейиши жоиз эмас” [1:922].

Қабр азоби ва Мункар-Накир масаласида Сигнокийнинг “ат-Тасдид”даги хулосаси шуки:

Охиратда бўладиган ишлардан қабр азоби (ёки роҳати), Мункар ва Накир номли икки фариштанинг маййитни саволга тутиши ҳақдир. Бу борада нақлий далиллар келганлиги учун бу умматнинг кўпчилиги уни ҳақ деб билишган. Ана шундай далиллардан бири ушбу оятдир: **“(У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унга тутиб турилурлар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): “Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!” (дейилур)”** (Ғофир сураси, 46-оят). Мазкур оятда уларнинг оловга эртаю кеч тутиб турилишлари қиёматдан олдин, яъни фақатгина қабрда бўлиши таъкидланмоқда. Аллоҳ таоло Нух алайҳиссалом қавмининг оқибати ҳақида шундай деган: **“Улар ўз хато (гуноҳ)лари сабабли ғарқ қилиниб, (сув балосидан сўнг) оловга киритилдилар”** (Нух сураси, 7-оят). Мазкур оятда келган “фа” ҳарфи уларнинг ғарқ қилинишлари ортидан, тезда оловга киритилганларини ифодалайди. Бу ҳам Расулulloҳ (с.а.в.)нинг: **“Бавлдан ўзингизни пок тутинг. Зеро, қабр азобининг кўпи у туфайлидир”**, деган сўзлари кабидир. У зот иккита янги қабр ёнидан ўтаётиб шундай деганлар: “Шубҳасиз, бу иккиси азобланмоқда. Улар катта гуноҳ сабабли азобланмаяптилар. Аммо уларнинг бири бавлдан ўзини тоза тутмас

¹ Имонда истисно қилиш – “Мен мўминман”, деган жумлага “инша Аллоҳ” деган иборани қўшиб, “Инша Аллоҳ, мен мўминман” деб айтиш.

эди. Иккинчиси эса, чақимчилик қилиб юрар эди”.

Мункар ва Накирнинг маййитни саволга тутиши ҳақида ҳам гапириб, бу борада келган машхур хабарларни ривоят қилади. Жумладан, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Қўлларида темирчининг болғасини ушлаб олган икки фаришта маййитни сўроққа тутди”, дедилар. Шунда Умар (р.а.): “Ўша вақтда ақлим ўзимда бўладими?” деганида у зот: “Ҳа!” деб жавоб бердилар. Шунда у: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Ундай бўлса, у иккисига ўзим кифоя қиламан”, деди, ҳадисини келтирган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Аҳли сунна вал жамоа олимлари ислом манбалари асосида юқорида зикр қилинган ақидавий масалалар бўйича энг мўътадил ва ислом таълимоти моҳиятига мос ечимни берганлар. Бу эса Аҳли сунна вал жамоа ақидавий мазҳабидаги имоннинг моҳияти ва унга боғлиқ масалалар, қабр азоби каби мавзулар мисолида кўриб чиқилди. Демак, Аҳли сунна вал жамоа уламулари оят ва ҳадисларнинг зоҳирига таяниб ҳукм чиқармайди, балки уларни ислом динининг бирламчи манбалари бўлган Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда назарда тутилган кўрсатмаларга асосланиб иш юритади. Шунингдек, ақидавий масалалар юзасидан ҳукм чиқаришда ақлни ҳам Аллоҳ берган буюк неъмат сифатида қараб, мутлақ эътиборсиз қолдирмайдилар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Хусомиддин Сиғнокий. Ат-Тасдид фи шарҳи-т-Тамҳид / таҳқиқ: Али Торик Зиёд Йилмаз. – Байрут: Дору-р-Раёҳин, йили кўрсатилмаган.
2. Yılmaz A.T. Matüridi alimlerden Sıgnakinin (ö. 714/1314) et-Tesdid fi şerhi-t-Temhid adlı eserinin tahkiki ve ilahiyat konularının tahlili. – İstanbul: Şafak yay, 2016.
3. Shalkarov D. The Structure and Main Issues of “al-Tasdid” of Husam al-Din al-Sygnaqi // Asian Social Science. Canadian center of science and education. – Canada, 2015.
4. Абу-л-Муин ан-Насафи. Ат-Тамҳид фи усул ад-дин. – Қоҳира, 1987.
5. Ибн ат-Танриберди. Ал-Манҳалу-с-софий. – Байрут: Оламу-л-кутуб, 2006.
6. Мустафо ибн Абдаллоҳ ал-Қустантиний. Муқаддима китоб шарҳу-л-мунтахаб ли-н-Насафий. – Қоҳира, 1994.
7. Окилов С. Абу-л-Му‘ин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридийа таълимоти. – Тошкент: Фан, 2008.
8. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд XXI век, 1999.
9. Шалкаров Д. О некоторых особенностях трудов Хусам ад-дин ас-Сыгнаки // Materials of XI international research and practice conference. Fundamental and applied science. – London, 2015.
10. Kutlu S. İmam Matüridi ve Matüridilik. – Ankara: Otto, 2011.